

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

Хазорасп тумани

« 19 » сентябрь 2022 йил

Хазорасп туман тиббиёт бирлашмаси кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган номидан низом асосида иш кўрувчи О.Р.Сатибалдиев бир томондан, кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган "Мехрибон Адолат" МЧЖ номидан низом асосида иш курувчи Х Алимбоев иккинчи томондан «Хазорасп туман тиббиёт бирлашмаси худудидаги йўлакчаларни жорий таъмирлаш ва худудларини ободонлаштириш учун» мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:

- **ижро хужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кулланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтари хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;
- **курилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб куйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб куйилади;
- **вакцинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан курилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган хар қандай типдаги вакцинчалик бинолар ва иншоотлар;
- **беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;
- **шартнома нархини булиб чиқиш** – ишларнинг хар бир босқичи ва ёки турлари кийматини аниқ белгиллаган холда шартнома буйича объектнинг умумий кийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ «Хазорасп туман тиббиёт бирлашмаси худудидаги йўлакчаларни жорий таъмирлаш ва худудларини ободонлаштириш учун» кузда тутилган лойиха хужжатлари буйича мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар киймати барча солиқлар, йигимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини уз ичига олган холда жорий нархларда 350 000 000 (Уч юз эллик миллион) сўмни ташкил этади.
4. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта куриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:
 - курилиш кийматини қупайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб булганда;
 - ишлар киймати Буюртмачи томонидан узгартирилганда;
 - объектнинг курилиши бир йилдан ортик муддатга узгартирилганда.
5. Курилиш муддати бир йилдан ортик булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.
6. Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:
 - барча ишларни мазкур шартномада хамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда узининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
 - курилиш майдони зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлашни таъминлайди;
 - курилиш майдони худудида вакцинчалик иншоотлар куриш;
 - Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор қилиш;
 - курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, утказилган дарактларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари урнатиш;
 - курилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;
 - мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар конструкциялар хамда вакцинчалик бинолардан бушатиш;
 - курилиш майдони курикланишини таъминлаш;
 - курилишда таваккалчилик сугуртаси учун белгиланган суммага сугурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сугуртаси тугрисида шартнома тузади ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини бюртмачига тақдим қилади.
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.
8. Пудратчи мавжудлигини қафолатлаган узининг 20% га тенг булган ва унга хизмат курсатувчи банк томонидан берилиши қафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада кузда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлагини мажбуриятини олади.
9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи хужжатларни (исполнительная документация) тулик хажмда тақдим қилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг уз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача булган даврга далолатнома буйича Пудратчига бериш;
 - ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риюя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;
 - Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чикиш ва карор кабул килиш;
 - молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
 - Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур булган ижро хужжатлари руйхатини тақдим этиш;
 - мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятларини олади;
12. Буюртмачи мазкур шартномада кузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулик мулкый жавоб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб кучга киради.
14. Пудратчи мазкур шартномага илова килинган ишларни бажариш жадвалига мувофик ишларни бажаради
15. Курилиш ишлари бажариш муддати 30 календар кунни ташкил этади.

VII. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома буйича узаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сумда» килинади.
17. Буюртмачи мазкур шартнома буйича ишлар умумий жорий кийматининг 30% микдориди аванс утказади, бу **105 000 000 (Бир юз беш миллион)**
18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун бюджетдан максадли берилган маблаглар уч банка кунда молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади.
19. Буюртмачи тамонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар хажми ва сифати текширилиб кабул килингандан кейин хакикий бажарилган ишлар кийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб колган холда молиялаштириш жадвали буйича амалга оширади.
20. Пудратчининг хисоб ракамига тушадиган маблаглар ушбу объект курилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект курилишига зарур булган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тулаш, объект курилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тулаш учун ва Ушбу объект курилишининг бошка харажатларига катъий сарфланади.
21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун хисобот ойнинг охиригича кунигача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун курилиш монтаж ишлари микдори, харажатлари тугрисидаги «Бажарилган ишлар киймати тугрисидаги маълумотнома хисоб-варак-фактурани» узи тузиб тақдим килади. Буюртмачи бажарилган курилиш-монтаж ишларининг микдори, сифати ва харажатларини текшириб кабул килиб имзолайди.
22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган курилиш-монтаж ишларини микдори, сифати ва харажатлари текширувидан сунг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан кабул килиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар киймати тугрисидаги маълумотнома-хисоб-варак-фактура» асос булади.
23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектка мулк ҳуқуқини узида саклайди. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йуқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи курилиш майдонида уз вақилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.
25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайлида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.
26. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан утказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо булувчи масалаларни ҳал килиш буйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.
27. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-булимида курсатилган муддатлар билан мувофиклаштирилган уз режаси ва иш жадвалига биноан объектка ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.
28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширсин, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.
29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда Пудратчи уз кучлари билан ва курилиш кийматини купайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикикиши окибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.
30. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга булган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларни бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни кабул килиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боглик тухтаб қолишлар, курилиш

техникасининг ишдан чиқиши тугрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чоратадбирларини қуриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

31. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзгага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан куп вақтга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. КАФОЛАТЛАР.

34. Пудратчи:

- барча ишларни тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

- узи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни;

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мажбур нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% миқдорида жарима солиш ҳуқуқига эга.

XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

35. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боглик булмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан бир ойдан куп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боглик булмаган сабабларга қура Буюртмачи томонидан икки ойдан ортик муддатга тухтатиб қуйилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига қура тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

38. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур булим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

39. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

40. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

41. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида» ги конунида, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди.

42. Мазкур шартномада қўзда тутилган ва тегишли иловаларда курсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида қўйдаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома буйича бунинг оқибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш қўзда тутилган ишларнинг бажарилмаган қисмининг 5% миқдорида жарима тулайди;

- буюртмачининг ҳисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банка қунида сабабсиз пудратчининг ҳисоб рақамига утказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% миқдорида жарима тулайди;

- шартномага мувофиқ ишларни бажариш жадвали буйича бажарилган ишлар ҳажмининг асоссиз равишда қабул қилиб тасдиқлашдан бош тортгани учун ушбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 5% миқдорида жарима тулайди;

- шартнома шартларига мувофиқ тайёр холда қабул қилиш учун тақдим қилинган объектни асоссиз равишда қабул қилишдан бош тортса шартнома қийматининг 5% миқдорида жарима тулайди;

43. Мазкур шартномада қўзда тутилган ва тегишли иловаларда курсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида қўйдаги ҳолларда мулқий жавобгар бўлади ва:

- Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам ҳажмда ишларни бажарса, мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмидан ҳар кечиктирилган кун учун 0.5% миқдорда пеня тулайди.
- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан ҳисобот ойининг охириг қунига қадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар қийматининг 5% миқдорда жарима тулайди;
- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган қисмининг 5% миқдорда жарима тулайди;
- объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр ҳолда фойдаланишга топширмаса шартнома қийматининг 5% миқдорда жарима тулайди;
- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ун кундан ортиқ булмаган) муддатда бартараф қилмаса ушбу аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 5% миқдорда жарима тулайди.
- 44. Агарда томонлардан бири уз реквизи́тларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, корхона атамаси ёки макomini нотугри берса ва узгарганлиги тугрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи томонга ёзма хабар бермаса айбдор томон иккинчи томонга шартнома баҳосининг 0,1% миқдорда жарима тулайди.
- 45. Бир томоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тугри келса, айбдор томон иккинчи томонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.
- 46. Тамонларнинг мулкый жавобгарликка тортилиб тулайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома қийматининг 30% ошмаслиги керак.
- 47. Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкый талабларини далолатнома асосида тулов талабномаси буйича ақцептсиз амалга оширишга ҳақлидир.

XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

- 48. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки узгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан қелишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга муружат қилишлари мумкин.

XV. Тарафларнинг коррупцияга қарши кураш бўйича маъсулияти

- 49. Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун талабларига сўзсиз амал қилади.
- 50. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишига олиб қеладиган ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)га йўл қўймайдилар.
- 51.Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш баробарида қуйидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар: - пора бериш, шунингдек ушбу жинойтга воситачилик қилиш; товламачилик, ёки бошқа қонуний йўллар билан пора олишга ундаш; - пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.
- 52. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рағбатлантиришнинг ҳар қандай шаклини рад этадилар. жумладан: тарафларнинг ходимлари ёки вакиллари пул маблағлари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажаришни ушбу ҳаракат(ҳаракатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатни бажаришни.
- 53. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда суний равишда иккинчи тарафга ноқулайликлар туғдириб, коррупциявий омил пайдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.
- 54. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя қилмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш ҳолатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинганда шунингдек, шартноманинг 5.1-бандида белгиланган қоидалардан бири содир этилганда ушбу ҳаракат содир этилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки қонун бузилишининг инкор этилмайдиغان далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига муружаат қиладилар.

XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

- 55. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро қелишувлари уз қучини йўқотади.
- 56. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатсиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.
- 57. Мазкур шартномага киритилган барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.
- 58. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан қелиб қикмайдиған янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб қеладиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.
- 59. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни қечиктиришга ҳақлидир.
- 60. Мазкур шартноманинг жорий нарҳлардаги қелишилган суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига Қ.Қ.С. тугрисида узгартиришлар киритилса қайта қуриб қикилади.
- 61. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қулланилади.
- 62. Мазкур шартнома Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Ғазначилик бўлинмаларидан рўйхатдан ўтгандан қундан бошлаб қонуний қучга қиради.
- 63. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга булган 2 нусхада тузилди.
- 64. Шартномани амал қилиш муддати «31» Декабр 2022 йилгача.

XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНҚ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИҚ МАНЗИЛЛАРИ.

ПУДРАТЧИ:

БУЮРТМАЧИ:

"Меҳрибон Адолат " МЧЖ	Хазорасп туман тиббиёт бирлашмаси
Манзили Хазорасп тумани Г Гулом куча 7- уй	Манзили: Хазорасп тумани Г Гулом 3- уй
Тел/факс: 98 277 89 80	Тел/факс: 62 33 25 339
х/р:20208000305126948001	ш/х 100022860332207073101054002
ИНН: 306749914	ИНН 200 419 760 ОКОНХ: 91511
ОКОНХ: 61100	Молия Вазирлиги Ғазначилиги
Банк: ХАМКОР БАНК АТБ ХАЗОРАСП ФИЛИАЛИ	Ғазна х/в : 23402000300100001010
МФО: 01162	Банк : Марказий банк Тошкент ш ХККМ
	МФО : 00014 ИНН: 201122919



М.У. Х Алимбоев



М.У. О Сағибалдиев

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. **Loyihaning turi:** Shartnoma

2. **Loyihaning nomi:** Pudrat shartnomasi

3. **Loyihaning mazmuni:** Hazorasp tuman tibbiyot birlashmasi keyingi urinlarda «Buyurtmachi» deb yuritiladigan nomidan nizom asosida ish ko'ruvchi O.R.Satibaldiev bir tomondan, keyingi urinlarda «Pudratchi» deb yuritiladigan "Mexribon Adolat " MChJ nomidan nizom asosida ish kuruvchi X.Alimboev ikkinchi tomondan Hazorasp tuman tibbiyot birlashmasi hududlarini obodonlshatirish uchun umumiy summasi 350 000 000 (Uch yuz ellik million) so'mni tashkil qiluvchi Pudrat shartnoma loyihasi ishlab chiqilgan.

4. Mazkur shartnoma loyihasi Hazorasp tuman Tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022-yil 19-sentabr kuni Hazorasp tumani adliya bo'limi yuridik xizmat ko'rsatish markaziga yuborilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Hazorasp tumani adliya bo'limi yuridik
xizmat ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti**



Z. Niyozmatov

2022-yil «19» sentabr